

МИНИФКОМ И COURSERA СОВМЕСТНО ЗАПУСКАЮТ НОВЫЙ ПРОЕКТ ДЛЯ ПРОГРАММИСТОВ



5-бет.

ҲАФТАНИНГ ҚАЙСИ КУНИ ХАКЕРЛАР КЎП ҲУЖУМ ҚИЛАДИ?



6-бет.

АВТОУЛОВ КОНДИЦИОНЕРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА 6 ҚОИДА



8-бет.






Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

26 (1552)-son
1-iyul
2022

 @xabaruzofficial
 facebook.com/xabar.uz/
 @xabaruzofficial

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz



СИЗ ТОМОН ЙЎЛ ОЛДИК

Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази томонидан “Сиз томон йўл олдик” лойиҳаси доирасида “Электрон ҳукумат” ва my.gov.uz – электрон давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича республика бўйлаб ўқув семинарлари ташкил этилиб келинмоқда.

Аҳолининг my.gov.uz – электрон давлат хизматларидан фойдаланиши бўйича амалий билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган навбатдаги ўқув семинари Андижон вилоятининг Андижон шаҳри ва Хўжаобод, Жалақудуқ, Қўрғонтепа туманларида ўтказилди. Унда тизимдан рўйхатдан ўтиш тартиблари, шахсий кабинетдан фойдаланиш, ариза жўнатиш қоидалари, жорий қилинган давлат хизматлари турлари ва улардан фойдаланиш имкониятлари бўйича фойдали маълумотлар берилди.

Иштирокчилар мавзуга оид саволларига мутахассислардан жавоблар олишди.

АҚШДА 2021 ЙИЛИ КОМПАНИЯЛАР ОЛГАН ПАТЕНТЛАР Сони

1. IBM – 8 682
2. Samsung – 6 366
3. Canon – 3 021
4. TSMC – 2 798
5. Huawei – 2 770
6. Intel – 2 615
7. Apple – 2 541
8. LG – 2 487



Манба: IFI Claims Patent Services

АҚЛЛИ ШАҲАРЛАР ҚУРАМИЗ

Бу борада ШХТга аъзо давлатлар билан тажриба алмашиш муҳим аҳамиятга эга



Тошкент шаҳрида 28–29 июн кунлари “Ақлли шаҳар” дастури доирасида “ШХТга аъзо давлатлар пойтахтлари ва шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик ва тажриба алмашиш” мавзuidaги халқаро форум бўлиб ўтди.



Computer Vision AI Challenge

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЙЎНАЛИШИДА ҲАКАТОН ЎТКАЗИЛДИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети 24–26 июн кунлари АКТ вазирлиги, БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури, IT-Парк, Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида ўтказилган Computer Vision AI Challenge ҳақатонига мезбонлик қилди.



Сунъий интеллект йўналишидаги ушбу ҳақатонга бутун Ўзбекистон бўйлаб 300га яқин иштирокчилар рўйхатдан ўтиб, улардан 200га яқини ҳақатонда иштирок этиш учун саралаб олинди.

Ҳақатонда иштирокчиларга икки кун ичида компьютер кўриш технологиялари асосида рақамли маҳсулот яратиш вазифаси топширилди. Улар ҳақатонда иштирок этиш орқали ўз лойиҳасини амалга ошириш ва ахборот технологиялари бўйича мутахассислар ёрдамида минимал ҳаётий маҳсулотни ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлдилар.

Уч кунлик мусобақалар натижаларига кўра, Тошкентдаги ИНҲА университетининг бир

йўла икки жамоаси совринли ўринларга лойик топилди.

Университетнинг 4-босқич талабалари Акмал Мусаев ва Нодира Тиллаевалардан иборат AKIRA жамоасининг чиқиндиларни саралаш бўйича тақдим этган лойиҳаси биринчи ўринни эгалаган бўлса, Рустам Зокиров, Сарвар Муталов (UIT) ва Бехруз Нутфиллоев (ТАТУ) талабаларидан иборат жамоа фавкуллда вазиятлар (тез ёрдам, ёнгин, полиция) транспорт воситаларини автоматик аниқлаш тизими лойиҳаси билан иккинчи поғонадан жой олди.

Яқунда ғолиб жамоалар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.



Жумадан
жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпиннинг таклифига биноан 24 июн куни “БРИКС плюс” форматдаги Глобал ривожланиш масалалари бўйича юқори даражали мулоқотда иштирок этди. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида Барқарор ривожланиш мақсадларига биргаликда эришишда кенг халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев журналистларнинг касб байрами муносабати билан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриқ хати йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 июн куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари тақдими билан танишди. Давлатимиз раҳбари биринчи ярим йилликдаги кўрсаткичлар етарли эмаслигини таъкидлаб, кечикаётган лойиҳаларнинг муаммосини ҳал қилиш, инвестициялар жалб этишни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июн куни пахта ҳосилдорлигини ошириш ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда илмга асосланган уруғчилик ва агротехнологиялар ҳисобига, пахта ҳосилдорлигини ошириш, толани чуқур қайта ишлаб, соҳанинг экспортини 2 бараварга кўпайтириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июн куни Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ва “Авто-транспорт воситаларидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор эълон қилинди.



SAP КОМПАНИЯСИГА ЎЗБЕКИСТОНДА РАСМИЙ БЎЛИНМАСИНИ ОЧИШ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шерзод Шерматов 29 июн SAP компаниясининг Марказий ва Шарқий Европа бўйича бошқарувчи директори Том Киндерман билан учрашув ўтказди.

Учрашувда АКТ вазирлиги ҳамда компания ўртасида ўзаро истиқболли йўналишларда, жумладан, таълим ва IT-тадбиркорлик соҳасида биргаликда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Ҳозирги кунда SAP компанияси корпоратив иловалар бозорига етакчи ҳисобланиб, дунёнинг 180 мамлакатда 440000дан ортиқ мижозларига эга.

Компания 2007 йилдан бошлаб Ўзбекистонга ўз технологияларини тақдим этиб келмоқда. Бугунги кунда компаниянинг Ўзбекистондаги мижозлари асосан чакана савдо, молия, шунингдек, телекоммуникация ва қурилиш компаниялари ҳисобланади.

Учрашув давомида SAP компанияси иштирокида кадрлар малакасини янада ошириш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, янги телекоммуникация технологиялари ва хизматларини жорий этиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, ВРО ва КРО хизматларини ривожлантириш орқали маҳаллий ёшларни юқори маошли ишга жойлаштириш асосий мақсад қилингани айтиб ўтилди. Бунда компания иштирокини бевосита таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, АКТ вазирлиги томонидан SAP компаниясига Ўзбекистонда тезроқ расмий бўлинмасини очиб тақлиф этилиб, кўпроқ ёшларни SAP маҳсулотлари бўйича масофавий хизмат кўрсатадиган мутахассис этиб тайёрлаш бўйича масалалар ҳам муҳокама қилинди.

АКТ соҳасида ҳамкорлик қилиш ва уни келгусида янада ривожлантириш бўйича фикрлар алмашилди.

Халқаро форум

АҚЛЛИ ШАҲАРЛАР ҚУРАМИЗ

Бу борада ШХТга аъзо давлатлар билан тажриба алмашиш муҳим аҳамиятга эга



Ушбу форум Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021–2022 йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислигини самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан ҳамкорликда

ташқил этилди.

Халқаро форум доирасида ШХТга аъзо давлатлар вакилларининг Тошкентдаги IT-Парк, Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги Вазиятлар маркази, Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, Тошкент шаҳар транспорт бошқармасининг “Вазиятлар маркази”га ташрифлар уюштирилди.

“Ақлли шаҳарлар”ни қуришда мавжуд муаммоларни аниқлаш, аҳолининг хабардорлигини оши-

риш, смарт технологияларни ўрганиш ва жорий этиш вазифаларини мақсад қилиб олган форум орқали қўшма халқаро илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш ҳамда ШХТга аъзо давлатларнинг ушбу йўналишдаги тажрибалари ҳам ўрганилди. Шу билан бирга, ҳар бир ШХТга аъзо давлатлар вакиллари “Ақлли шаҳар”ларни қуриш ва ривожлантириш бўйича ўз тақдирларини ўтказиб, тажрибалари билан ўртоқлашди.



ЎЗБЕКИСТОН ГЕРБИГА 30 ЙИЛ

2 июл кuni муСТАқИЛЛИғИМИЗНИ ИФОДАЛОВЧИ МУҚАДДАС БЕЛГИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ЎТМИШИ, БУГУНГИ ВА КЕЛАЖАГИНИ, ОРЗУ-УМИДЛАРИНИ ЎЗИДА АКС ЭТТИРГАН ВАТАНИМИЗНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИГА 30 ЙИЛ ТЎЛАДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 5-МОДДАСИДА “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИГАН ЎЗ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ – БАЙРОҒИ, ГЕРБИ ВА МАДҲИЯСИГА ЭҒА” ЛИГИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН.

Барчамизга маълумки, ҳар бир давлатнинг миллий рамзлари ўша мамлакатнинг ор-номуси, шон-шарофи ҳисобланади. Бунинг яққол намуниси сифатида ўз даврида тимсолларини, яъни тугини ҳар қандай ҳолатда ҳам асраб қолишга ҳаракат қилган Темур Малик, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби саркардаларнинг ҳаёт йўли, уларнинг бу борадаги қаҳрамонликлари ҳар биримизга ибрат бўлиши керак.

Шу ўринда, ҳаммамизга ёд бўлиб кетишга улгурган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ҳақида икки оғиз гап. Ундаги пурвиқор тоғлар, дарёлар ва чап томони бугдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш ўзининг заррин нурларини аямасдан таратмоқда. Бу тасвирларни кўрган ҳар бир инсон Ўзбекистоннинг дунёда тенги йўқ диёр эканлигига ишонч ҳосил қилиши аниқ.

Гербимизнинг юқори қисмидаги саккизбурчак, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз она

Ватанимиз хурлигини, озодлиги ва эркинлигини ифодалайди. Марказда эса бахт ва эркесварлик рамзи – қанотларини ёзган Ҳумо қуши қанот қоқаётган бўлса, пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида “O‘zbekiston”, деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги қонунининг 4-моддаси талабларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳлари, Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, республика давлат бошқаруви органлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Марказий банк, Ҳисоб палатаси, Марказий сайлов комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, судлар, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, кон-

суллик муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари биноларининг олд томониغا жойлаштирилади.

Ўрни келганда айтиб ўтиш зарурки, “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги қонуннинг 51-моддасида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реқвизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмаслиги, Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмаслиги, Нодавлат-нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербига ўхшаш бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Ушбу қонуннинг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг

Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 215-моддасида давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш асосан, Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача миқдорда жарима ёки 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши мумкинлиги алоҳида қайд этилган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бутун Ўзбекистон халқини ушбу сана муносабати билан самимий табриклайди.

Зеро, гербимиз – фахримиздир азиз Ватандошлар!

Нурилла АБДУЛЛАЕВ

Семинар

Кун тартибиде: ТИЛ ВА РЕКЛАМА



2023 йил 1 январдан бошлаб барча ташкилотларда иш юритиш ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш амалиёти тўлиқ жорий қилиниши муносабати билан UNICON.UZ – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ходимлари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган мазкур тадбирда Алашхер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек

мақсадида келтирилган бўлишига қарамадан, пойтахт кўчалари ва ташкилотлар пештоқида хорижий тилда ёзилган эълон ва пешлавҳалар кўпайиб кетган. Бунинг сабаби, “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддаси кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилади, дейилган. Норматив ҳужжатларимизда айрим камчиликлар мавжудлиги боис, қарама-қаршиликни кўриш мумкин.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари” ҳақида тушунчалар бериб ўтилди. Давлат тилида иш юритиш – ўзбек тили имло қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда, хато ва камчиликларга ўрин қолдирмаган ҳолда амалга оширилиши кераклиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Семинар машғулотига ҳозирги кунда ислоҳ этилаётган “Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбоси” ҳақидаги кўпалб саволларга жавоб берилди.

Дилноза ЗОКИРОВА,
“Xabar” мухбири

Очиқ мулоқот



БУХОРОЛИК ИТ ЛИДЕРЛАР УЧРАШУВИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ИТ лидерлар бир жойга жамланди.

Учрашувда тажрибали “айти”-чилар йиғилганларни ўзларининг дастурлаш соҳасидаги тажрибаси ва фаолияти билан таништириб, ёшларни касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш, масофадан туриб юқори маош олиш учун нималарга эътибор қаратиш лозимлиги бўйича тавсиялар бериб ўтди. Бундан ташқари, учрашув давомида ахборот технологиялари соҳасига қизиқувчи ёшлар ИТ таълим соҳасида фаолият юритувчи етакчи ўқув марказларига ўқишга қабул қилинди.

IT-тадбиркор: ХОДИМЛАР СОНИНИ МИНГ КИШИГА ЕТКАЗМОҚЧИМАН

Мамлакатимизда IT йўналишидаги тадбиркорлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Сўхбатдошимиз Фазлиддин Жўраев ҳам 2016 йилдан буён дастурлаш соҳасида фаолият юритади.



Қаҳрамонимиз Бухоро вилоятида туғилган. 2010 йили Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳар филиалини тамомлаган. Ҳозир дастурий маҳсулотлар яратувчи – “OQILA” лойиҳасини бошқариб келмоқда.

Университетнинг илк талабалардан бири бўлдим

Бухоро шаҳрида ўқитувчилар оиласида туғилганман. Отам университетда фалсафа бўйича профессор, онам мактабда физика ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, ота-онам тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади. Аниқроғи, 1992 йили кичкина тикув корхонаси ташкил қилинди. Бозорда дўконимиз ҳам бор эди. У ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ўзимиз сотганмиз. Ишимиз секин-секин кенгайиб борди.

2003 йили ота-онам болаларига яхши таълим бериш мақсадида Бухородаги ишларни тўхтатишди ва биз Тошкентга кўчиб келдик. Бу ерда мен математикага ихтисослашган академик лицейини ўқиб тугатдим.

2006 йили Тошкентда Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳар филиали очилди. Ўша вақтда янги олийгоҳ катта қизиқиш билан кутиб олинган. Чунки университет жаҳоннинг энг кучли ўқув даргоҳлари рейтингига юзталикка кирар эди. Олийгоҳга биринчилардан бўлиб ўқишга кирдим. Ҳатто, ўшанда илк талабаларни табриклаш учун Биринчи Президент Исом Каримов келган.

2010 йили ўқишни тамомлагач турли корхоналарда ишладим. Лекин, менда болаликдаги орзу – шахсий бизнесга эга бўлиш иштиёқи йилдан йилга кучайиб борарди. Шундай қилиб, 2016 йили “OQILA” лойиҳасини бошладим.

Бошида етарли маблағ бўлмаган

Ёшлигимдан менда кўп бизнес гоёлар бўлган. Хусусан, 2013 йилдан бошлаб “Aslbazar” номи онлайн бозор платформаси устида ишлай бошладим. 2016 йилга келиб, у техник жиҳатдан тайёр бўлди. Лекин уни корхона қилиб очишга, реклама қилиш ва кундалик харажатларга пул керак эди. Менда эса бунга етарли маблағ бўлмаган. Шунда мен буюртма асосида сайтлар яратиш хизматини йўлга

қўйдим ва буни “OQILA” деб номладим. Бу лойиҳа очилиши билан фойда келтира бошлади.

“Aslbazar” лойиҳаси қолиб кетди ва асосий эътиборимни “OQILA”га қаратдим. Аммо, “Aslbazar” лойиҳасини вақти келиб ишга тушириш истагим бор.

“OQILA” орқали ҳозирги кунда 20дан ортиқ турдаги интернет реклама ва дастурлаш хизматларини кўрсатамиз. Хусусан, Googleда сайтлар ўрнини кўтариш, яъни SEO (Search Engine Optimization – Қидирув тизимида оптималлаштириш) бўйича Ўзбекистонда етакчилардан биримиз.

Албатта, қийинчиликлар ҳам доим етарли бўлган. Биринчи беш йил жуда қийналганман. Деярли, ҳар олти ойда корхонани қайта тузишимга тўғри келган.

2018 йили катта бир стартапни ишга туширдик. У одамларга бир соат ичида дастурлаш сайт ёки интернет дўконни ишга тушириш имконини беради. Бу лойиҳамиз ҳам йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Барча соҳада адолатли рақобат зарур

Саволингиздан келиб чиқиб айта оламанки, алоҳида фақат IT-бизнесни ривожлантиришга қаратилган усуллар бор, деб ўйламайман. IT ривожланиши учун ҳамма турдаги бизнеслар – хизмат кўрсатиш, аграр, енгил саноат... барчаси жадал тараққий этиши керак. Улар ўз-ўзидан ITга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради. Бу табиий ривожланиш дейилади.

Шунингдек, барча соҳада адолатли рақобат бўлиши зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчи навбатда инглиз тилини ўрганиш лозим

Фикримча, яхши дастурчига айланиш учун иқтидор билан бирга сабр-қаноат талаб этилади. Яна ўрганувчида математика ва шахматга доир билимлар бўлиши керак.

Соҳага кириб келмоқчи бўлганларга, биринчи навбатда, инглиз тилини ўрганишни маслаҳат бераман. Тил билмасдан туриб ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ўйлашимча, 20 ёшгача қилиш лозим бўлган энг биринчи иш шу. Кейин вақт ва имконият бўлмаслиги мумкин. Касбга киришнинг биринчи беш йилида фақат тажриба тўплашга ҳаракат қилиш зарур. Қанча кўп тажрибага эга бўлсангиз, даромад ҳам шунга яраша бўлади.

Одамларни иш билан таъминлашни хоҳлайман

Дастурлаш соҳасини танлашимга ота-онам туртки бўлган. Яъни, улар ҳар бир ишимда мени қўллаб-қувватлаб, руҳлангириб келади. Бизнес оқанимда ўзимга асосий мақсад қилиб одамларни иш билан таъминлашни қўйганман. Айниқса, ёшларимиз IT соҳаси бўйича Ўзбекистонда ишлашни хоҳлайман.

Бугунги кунда қўл остида 20 киши фаолият юритади. Келгуси беш йилликда ходимлар сонини 1000 кишига етказиш ва Ўзбекистондаги етакчи IT-тадбиркорга айланиш мақсадидаман.

Ўқув машғулотлари

КАСАБАҚЎМ РАИСЛАРИ МАЛАКАСИ ОШИРИЛДИ

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши Ижроия қўмитасининг 2022 йил 14 апрелдаги “2022 йилнинг 1-ярим йиллигида касаба уюшмаси кадрлари ва фаолларини ўқитиш режаси тўғрисида”ги қарори асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига қарашли Малака ошириш институти нодавлат таълим муассасасида тизимдаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари учун беш кунлик ўқув машғулотлар ташкил этилди.



Машғулотлар 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид давлат дастури” ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг дастурида белгиланган вазифалар муҳофазаси билан бошланди.

Интерактив усулда ташкил этилган машғулотларда меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида касаба уюшмаларининг вазифалари, ижтимоий шериклик, Бош келишув, тармоқ, ҳудудий келишувлар ва жамоа шартномалари, касаба уюшмаси аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари ва “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонун ҳамда меҳнат инспекциясининг фаолияти тўғрисидаги тақдимотлар тингловчиларга ҳавола этилди.

Шунингдек, корхоналарда меҳнат низолари бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш ва олиб боришнинг ҳуқуқий асослари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни режалаштириш, иш жойларида қулай шароитлар яратиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида касаба уюшмаларининг вазифалари ҳақида баҳс-музокаралар олиб берилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Курултой қарорлари ҳамда фаолиятининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларида белгиланган вазифалар, ижтимоий сўғурта маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда йўлланмаларни бериш тартиби, меҳнат жамоаларида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил этишнинг асосий йўналишларида батафсил тушунтиришлар берилган бўлса, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини Устав талаблари асосида ташкил этиш, касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари, ташкилотларида ижро интизоми ва ҳужжатлар билан ишлашда иш юритишни ташкил этиш каби мавзуларга алоҳида ургу берилди.

Ўқув машғулотлар давомида тингловчилар учун маданий тадбирлар ҳам ташкил этилди. Улар Ўзбекистон касаба уюшмаларининг тарихи музейи билан танишдилар ҳамда А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ташриф буюрдилар.

Машғулотлар сўнгига ўтилган мавзулар бўйича тест синовларидан аъло даражада ўтган 20 нафар тингловчига гувоҳномалар топширилди.

Раъно Тўраева,
Республика кенгаши ташкилий ишлар бўйича бош мутахассис

БУДЕТ СОЗДАНА УЗБЕККО-АМЕРИКАНСКАЯ ВРО-КОРПОРАЦИЯ

24 июня 2022 года в городе Ирвин, штат Калифорния, состоялось мероприятие под названием Uzbekistan-USA: Logistics Technology & BPO Shared Opportunities, организованное Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан, IT-Park Uzbekistan и LoadStop.



На мероприятии приняли участие более 50 предпринимателей в области аутсорсинга бизнес-процессов и представители государственного управления во главе с мэром города Ирвинг-жой Farra Khan и президентом торгово-промышленной палаты Ирвина Брайан Стар.

В рамках мероприятия состоялась и торжественная церемония подписания соглашения между Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан и Access Capital Management Corp о взаимном сотрудничестве в области информационных технологий и аутсорсинга бизнес-процессов, а также запуска корпорации, которая создаст 1100 рабочих мест

в течение 3-х лет с открытием юридических лиц в США и Узбекистане. Отмечено, что в масштабах новой корпорации достигнуты договоренности по расширению сферы деятельности аутсорсинга бизнес-процессов по таким направлениям как страхование, факторинг, QA (надзор качества), и мультимедиа.

После подписания соглашения были проведены B2B-встречи с американскими компаниями, на которых обсуждались вопросы получения статуса резидента IT-Park и преференции, которые могут получить резиденты.

В БУХАРЕ СОСТОЯЛАСЬ ЦЕРЕМОНИЯ ОТКРЫТИЯ ПЕРВОГО ВРО-ЦЕНТРА



В Бухаре состоялась церемония открытия нового ВРО-центра. Основной целью центра является обеспечение занятости молодежи, создание возможностей для работы с иностранными компаниями и увеличение экспорта IT-услуг.

Новый центр организован на базе ООО PROSPECTIVE FUTURE TEAM при поддержке Министерства ИКТ. Он создан для работы в сфере логистики и контроля за движением грузовых автомобилей в США. Сейчас ВРО-школа центра нацелена на подготовку

десятков высококлассных кадров.

Сегодня в центре работает 50 молодых специалистов. Для работы сотрудников созданы все условия, от них требуется свободное владение английским языком и компьютером.

МИНИФКОМ И COURSERA СОВМЕСТНО ЗАПУСЯТ НОВЫЙ ПРОЕКТ ДЛЯ ПРОГРАММИСТОВ

Руководители EdTech-компании Coursera приняли главу Мининфокома Шерзода Шерматова, сообщила пресс-служба IT-Park.



Встреча в офисе в Маунтин-Вью состоялась в рамках визита министра в США. Узбекская делегация рассказала о реформах образовательного процесса, о прогрессе в сфере IT и предстоящей работе.

Стороны договорились реализовать совместный проект по обучению и сертификации программистов. Он станет «логическим продолжением» инициативы One Million Uzbek Coders для желающих учиться до профессионального уровня.

Как отметил Шерматов, имея на руках сертификат от Coursera, молодые специали-

сты получают более высокий шанс устроиться на высокооплачиваемую работу в IT-компаниях. Также они смогут получать крупные заказы как фрилансеры.

Высококвалифицированные IT-специалисты легко могут экспортировать услуги в развитие экономики, не покидая своей страны, указал министр ИКТ. По его словам, за счёт полученных доходов они в дальнейшем получат возможность развивать свои стартап-проекты.

Помимо того, обсуждалась возможность организации на платформе курсов по услугам бизнес-аутсорсинга (BPO). По итогам встречи стороны договорились наладить взаимовыгодное сотрудничество.



ШТРАФЫ ЗА НЕИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИКПУ И Е-АКТИВ ОТМЕНИЛИ ДО МАРТА 2023 ГОДА

Шавкат Мирзиёев подписал указ о создании для бизнеса благоприятных условий в период налоговых реформ. Документ опубликован на сайте газеты «Народное слово».


Согласно указу, требования налогового законодательства для предпринимателей будут упрощены. Это позволит упростить ведение бизнеса и снизить на него налоговую нагрузку.

До 1 марта 2023 года бизнес не будет штрафовать за использование в счетах-фактурах и чеках кодов (ИКПУ), не соответствующих номенклатуре товаров и услуг.

Отражение операций в системе «электронного склада» E-aktiv до этой даты будет добровольным. Ранее в качестве срока внедрения устанавливали сентябрь 2022 года, а изначально предполагалось сделать её обязательной с 1 января (ввести санкции — с 1 июля).

ИЗВЕСТНЫЙ ВИРУС ДЛЯ ANDROID СТАЛ ЕЩЕ БОЛЕЕ ОПАСНЫМ

Специалисты по безопасности сообщили, что популярный у хакеров вирус BRATA, нацеленный на Android-устройства, стал ещё более изощрённым в своих атаках.




Приложение получило функции для скрытых атак. К примеру, BRATA может воровать учётные данные, перехватывая коды двухфакторной аутентификации конкретного пользователя. К тому же вирус способен обнаруживать все имена пользователей и пароли, сохранённые на устройстве жертвы.

Хакеры изменили и стратегию злодея. Теперь программа подготавливается к атаке на конкретный онлайн-банк и «работает» только по этой цели, прежде чем переключится на другую.

Кроме того, BRATA устанавливает на смартфон жертвы бэкдор, позволяющий в дальнейшем красть персональные данные.



ОЙНИНГ ҲАМ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИ БЎЛАДИ



Rocket Lab (AQSh) kompaniyasi NASA agentligining CAPSTONE mini-йўлдоши жойланган Electron ракета-ташувчисини Ойга учирди. Бу ҳақда Space.com хабар берди.

25 килограмм оғирликдаги йўлдош ортилган 18 метрли ракетага 28 июн кuni Тошкент вақти билан соат 14:55 да Махия яриморлида (Янги Зеландия) старт берилган.

NASA ҳисоб-китобларига кўра, йўлдош Ой орбитасига 13 ноябр кuni етиб боради.

АРМИЯ НООДАТИЙ КУРИЛМАНИ СИНАБ КЎРДИ

AQSh armiyasi Microsoftning 22 миллиард долларли кўзойнақларини синовдан ўтказди. Аскарлар кўп функцияли кўзойнақни 3 ҳафта давомида тақиб юрдилар.

Нархи қиммат туюлгани билан бу пулга кўзойнақнинг ўзини сотиб олмайсиз, балки эҳтиёт

қисмлари ва 10 йилга техник хизматларни ҳам ўз ичига олади.

Кўзойнақда махсус дисплей бўлиб, қуролли учувчиларга қўл келади. Ҳар доим аскарнинг кўз ўнгида турадиган қурилма экранда ҳудуд харитаси, командирларнинг кўрсатмалари ва бошқа маълумотлар акс этади.

ЎН ОЙ ДАРЁДА ЁТГАН АЙФОН БУЗИЛМАДИ



Буюк британиялик Мигел Пачеко каноэда сузаётиб iPhone XR смартфонини топиб олди. Телефонни ҳаво компрессорида кури-тиб, қувватлантиришга қўйди.

Қизиги, телефон ишлаб кетди. Дисплейида у йўқотилган сана - 13 август кўриниб турганди. Расмлар ва ёзишмаларни ўқиган Мигел телефон Дэвис исми инсонга тегишли эканлигини билиб олди.

Сўнг ижтимоий тармоққа расмларни жойлаб, эълон берди. Пост 4 минг марта репост қилинди. Охир-оқибат смартфон эгасига етказилди.

2020 йили Apple сувга чидамли смартфон рекламасида муболағага йўл қўйгани учун жаримага тортилган эди. Лекин мазкур ҳаётий воқеа компаниянинг таърифи ҳаққоний эканлигини исботлади.

ҲАФТАНИНГ ҚАЙСИ КУНИ ХАКЕРЛАР КЎП ҲУЖУМ ҚИЛАДИ?

Мутахассислар ҳафтанинг ҳакерлар учун қулай кунини аниқлашди. Маълум бўлишича, жумадан шанбага ҳамда шанбадан якшанбага ўтар кечаси кўп ҳакерлик ҳужумлари амалга оширилган.




Сабаби, бу пайт ахборот хавфсизлигини таъминлаш қийинроқ, кўплар дам олишга чиқади. Айнан шу пайт масъул мутахассислар ҳакерлар ҳаракатини назардан қочирishi мумкинлигини аниқлашди.

Бундан ташқари, кундузидан кўра кечаси ҳакерлар учун қулай-

роқ вақт ҳисобланади. Улар кўпинча кечаси пайт пойлайдилар. Лекин иш вақти ҳам фирибгарлар қилмишларидан холи эмас.

ДОРИЛАР ДРОН ОРҚАЛИ ЕТКАЗИЛАДИ



Украинада дориларни етказиш хизмати дрон орқали амалга оширилиши мумкин. Бу масалани мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги кўриб чиқмоқда. Ҳозирча мазкур масъулиятли вазифа учун Zipline дрони мўлжалланмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазири Александр Комариданинг айтишича, бу бўйича Америка компанияси билан учрашув ўтказилди ва логистик масалалар ўрганилди.

Украина ҳудудида дори-дармонларни сақлаш учун 10та хаб жорий этилади. Синов лойиҳаси Киевда амалга оширилади. Дрон 1 соат ичида 100 километр масофага дориларни етказишга, 2 килограммгача юкни кўтаришга қодир.

Халқаро ҳаёт

ХИТОЙ ДУНЁНИНГ ЭНГ ЙИРИК ИҚТИСОДИЁТИГА АЙЛАНАДИ



Хитой AQShни ортда қолдириб, дунёнинг энг йирик иқтисодиётига айланади, дейилади Иқтисодий ва бизнес тадқиқотлар маркази (CEBR) тадқиқоти — World Economic League Table 2022да.

CEBR мутахассислари 2031 йилда уч етакчи мамлакат ЯИМ ҳажмини қуйидагича кўришмоқда:

1. Хитой ЯИМ — \$37,6 триллион;
2. AQSh ЯИМ — \$35,4 триллион;
3. Ҳиндистон ЯИМ — \$6,8 триллион.

Ҳаёт иқтисодий маркази Европа ва Шимолий Америкадан Осиёга аллақачон кўчиб бўлган, дейилади ҳисоботда. Бу глобал силжиш савдодаги тўсиқлар олиб ташланиши, катта иқтисодий эркинликлар берилиши натижаси бўлиб, китъага тўғридан-тўғри хорижий сармоялар оқими кучайди.

BLOOMBERG: РОССИЯ ДЕФОЛТГА УЧРАДИ

Bloomberg агентлиги душанба, 27 июн кuni Россия суверен қарз бўйича дефолтга учрагани ҳақида хабар берди. Нашрнинг таъкидлашича, 100 миллион долларлик купонларни тўлаш муддати 27 июнга ўтар кечаси тугаган.

Агентликнинг таъкидлашича, агар инвесторлар келишилган маблағларни белгиланган муддат охирига қадар олмаса, бу ҳолат дефолт

ҳисобланади. Шунингдек, бундай ҳолат 1918 йилдан бери биринчи марта кузатилаётгани қайд этилган.

НАТО ҲАРБИЙЛАРИ СОНИНИ САЛКАМ 8 КАРРА ОШИРАДИ

НАТО бош қотиби Йенс Столтенберг 27 июн кунги баёнотида ҳарбий альянснинг тезкор жавоб бериш кучлари сони салкам 8 бараварга оширилишини таъкидлади, деб хабар берди BBC.

“Стратегик рақобат” шароитида НАТО тезкор жавоб бериш кучлари сони қарийб 8 бараварга оширилиб, 300 000 нафар ҳарбий



хизматчига етказилади. Бу кучлар сони шу пайтгача 40 000 нафарни ташкил этган.

НАТО бош қотибига кўра, Россия альянс учун бевоқиф хавфга айланган. Шу пайтгача НАТО стратегик концепциясида Россия альянснинг шериги сифатида кўриларди.

“УРУШ БАШОРАТЧИСИ”НИНГ РОССИЯГА КИРИШИ ТАҚИҚЛАНДИ

“Тарихнинг тугаши” китоби муаллифи, америкалик сиёсатшунос Фрэнсис Фукуяма Россияга кириши тақиқланган шахслар рўйхатидан жой олди. Фукуямани Россия ташқи ишлар вазирлиги “қора рўйхат”га киритди.



Россия ТИВ 28 июнда эълон қилган тақиқланган шахслар рўйхатида яна 25 нафар AQSh фуқароси, жумладан, Жо Байденнинг рафиқаси ва қизи ҳам бор.

Фукуяма AQSh президенти Жо Байденни, Россия Украина атрофидаги вазиятни кескинлаштирган тақдирда, бу давлатга қарши санкциялар рўйхатини тузишга чақирган шахслардан бири. Бу ундов ҳали Россия Украинага уруш очмасидан аввал бўлган.

AQShнинг Стэнфорд университети профессори Фрэнсис Фукуяма American Purpose нашрида чоп этилган мақоласида Россия Украинада шубҳасиз мағлубиятга учраши таъкидланган, унда 12 банддан иборат башорат ва тавсиялар келтирилган эди.

КОНЦЛАГЕРНИНГ 101 ЁШЛИ СОБИҚ ҚЎРИҚЧИСИ 5 ЙИЛГА ҚАМАЛДИ

Заксенхаузен нацистлар концлагерининг собиқ қўриқчиси Йозеф Шутцни Германия суди 5 йилга озодликдан маҳрум қилди. 101 ёшли Шутц концлагерининг 3,5 минг нафардан ортиқ маҳбусларини ўлдиришда иштирок этганликда айбдор деб топди.

Шутц концлагерда 1942 йил январидан 1945 йил февралгача хизмат қилган. Унинг ўзи концлагерда қўриқчи бўлиб ишлаганини инкор қилиб келган.

Меҳнатим, муҳаббатим

Манзура ИБРАГИМОВА,
“Ўзбекистон почтаси” АЖ
Фарғона филиали Фарғона шаҳар
почта алоқаси боғламаси 1-той-
фали назоратчиси:



– Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Почта... Магнур жаранглайди!” деб ёздингизлар. Севимли газетамиз “Xabar” да номим чиқиши, меҳнатларим эътирофи этилиши, қандай айтсам тўғри бўлади, менга бир умрга таътигули саодат эди. Қандай хурсанд бўлганимни таърифлаш қийин.

Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетиде давлат гранти асосида тахсил олаётган магистр болажоним, кўзимнинг оқу қораси Худойбердиннинг ҳам, газетада чиқибсиз, онажоним, мен сиз билан фахрланаман, деб табриклагани... Катта мукофот бўлди менга. Шулар мукофотнинг ўзи етарли эди. Лекин бир қувонч иккинчи қувончни етаклаб келади, деганлари айти ҳақиқат экан. Касб байрамимиз арафасида “Қутлуг бўлсин, сиз вазиригимизнинг Фахрий ёриғига муносиб топилбсиз!” дейишди. Шу сўзнинг ўзи ҳам мукофот эди менга. Салкам 37 йиллик чеккан заҳматларингизга рози бўладиган бўлдингиз, деганди кадрлар бўлими бошлигимиз Турғуной Тешабоева. Шунда, азизларим, касбимни жондан ортик

яхши кўраманку, қанақа заҳмат ҳақида гап бўлиши мумкин! Билсангиз, меҳнатларим менга ҳеч қачон заҳмат бўлиб туюлмаган, дейман. Мукофотларни топшириш тантанасига бораркансиз, дейишганда, бир тўлқинландим, бир ҳаяжонландим, ишонаверинг. Рост. Қаранг, меҳнатим, муҳаббатим учун қанчадан қанча қувончлар кутиб турган экан!

Вазиришим Шерзод Шерматов қўлидан мукофотни қабул қилиб олар эканман, айтаман деб дилимга тугиб қўйган сўзларим ҳам хаёлдан аллақайларга учди-кетди. Айтишгичи, бу юксак эҳтиромга муносиб сўз борми ўзи? Раҳмат, томоғимга келган севинч ёшларини ютиб шундай дея олдим, холос. Республика иқтисодиёти, соҳа

ривожига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келаятганлар сафида бор эканман. Бу катта давлат. Вазиришимнинг Муҳаммад Хоразмий мактабиде айтган “Ўз тарихига, ўзига хос анъаналарига, порлоқ келажига эга соҳа” дегани қалбимда акс-садо бериб турибди. Ишимизнинг давомчилари бўлган навқирон ёшларнинг зукко нигоҳига қараб тўймаганим ёдимдан сира кетмас керак.

Шу куни яна бир хушбахтлик инъом этувчи соатлар кутиб турган экан. “Имон” спектаклини томоша қилдик. Пойтахтимизнинг маҳобатли гўзалликларидан баҳраманд бўлдик. Сўнг “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилдик. Бу муқаддас қадимжони зиёрат қилиш кўпдан орзуим эди. Тилагим амалга ошди. Мажмуага киришимиз билан уруш даҳшатларини бошимиздан кечирдик. Урушга отланаётган навқирон йигитлар, асирга олинган болалар, ҳарбий техникалар майдончалари, темир йўл вокзали, фронт орти ҳудуди, мотам ва андух ҳудуди, шоду хуррамлик ҳудуди, ўша суронли йиллардаги барча поездларнинг турлари, турфа деталлар, экспонатлар, тиббий буюмлар... Хуллас, мажмуанинг барча ҳудудларида, “Шон-шараф” давлат музейида халқимизнинг ғалабага қўшган улкан ҳиссаси,

шонли тарихи бор бўйи билан намоен бўлди. Халқимизнинг фронт ва фронт ортидаги жасорати ва матонати, мислсиз қаҳрамонлиги ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилдик. Бутун ўзбек аёлларининг садоқат рамзига айланган зангиоталик Зулфия Зокирова ва унинг урушда ҳалок бўлган беш азамат ўғилларининг вафодор рафиқалари акс этган “Матонат мадҳияси” ҳамда афсонавий ўзбек генерали Собир Раҳимов ва барча ўзбекистонлик ботир жангчиларнинг сўнмас хотираси ифодаланган “Мангу жасорат” мажмуалари олдида айниқса узоқ қолиб кетдик. Бу улугвор “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси бошдан ҳис этиб, мусаффо осмон, фаровон ҳаёт учун минг-минг қатла шукроналар айлади. Чин сўзим шулки, Ғалаба боғида бўлишнинг ўзи ҳам менга энг ажойиб, энг мароқли совға бўлди. Касбимни севганим учун берилган ажойиб мукофот бўлди. Мен саховат, олий ҳимматлари учун вазиригимиздан, филиалимиз раҳбарларидан бениҳоя миннатдорман. Соҳамизни янада раванқ топтириш йўлидаги эзгу ишларида муваффақиятлар бардавом бўлишини тилаб қоламан.

Ҳ.САЛҲОВА ёзиб олди.

Ўзкомназорат

Маҳаллаларга алоқа хизмати яхшиланмоқда

Тошкент вилояти ҳудудидан Тошкент шаҳрига ер майдонлари босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан пойтахт ҳудуди кенгайиб, аҳоли сони ўсиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, пойтахтда замонавий телекоммуникация хизматларига бўлган талабни янада ортишига олиб келмоқда.

Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтган ҳудудларда бугунги кунда 42та маҳалла, 23000та оила ва 29000та хонадон мавжуд бўлиб, уларда 9500дан ортик аҳоли истиқомат қилади. Ушбу ҳудудларда 2025 ўринли 15та мактабгача таълим муассасаси, 8756 ўринли 16та умумтаълим мактаби ва олтига оилавий поликлиника мавжуд. “Ўзкомназорат” Тошкент шаҳар ҳудудий инспекцияси томонидан мазкур ижтимоий соҳа объектларида ҳамда аҳоли яшаш масканларида юқори тезликдаги интернет хизматлари билан таъминланганлик ҳолати тўлиқ ўрганиб чиқилди ва барчасида юқори тезликдаги телекоммуникация тармоқлари ташкил этилганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “2022–2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 172-қарорига мувофиқ, 2022 йил учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида алоқа, ахборотлаштириш ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг Тошкент шаҳри бўйича манзилли рўйхатига 24та маҳалла киритилган. Бугунги кунда “Обод маҳалла” дастурига киритилган Янгиҳаёт туманидаги “Хўжа учкун” ва “Бинокор” ҳамда Бектемир туманидаги “Намуна” маҳаллаларида телекоммуникация инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, “Хўжа учкун” маҳалласига 25 км. оптик толали алоқа линиялари тортилиб, аҳолига замонавий телекоммуникация хизматлари тақдим этиш имконияти яратилди. Шунингдек, “Намуна” маҳалласидаги мавжуд алоқа кабеллари

тартибга келтирилди ҳамда аҳолига юқори тезликдаги интернет хизматини тақдим этиш учун оптик толали алоқа линиялари тортилди. Бу каби тадбирлар пойтахтимизнинг бошқа маҳаллаларида ҳам ташкил этилган бўлиб, аҳолига сифатли телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши доимий назоратга олинган.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунига асосан “Ўзкомназорат” Тошкент шаҳар ҳудудий инспекцияси томонидан Тошкент шаҳридаги туманларда жисмоний ва юридик шахслар билан сайёр қабул тадбирлари ҳам ўтказиб келинмоқда.

Яқинда шундай тадбирлардан бири АКТ вазиригининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билан биргаликда Янгиҳаёт туманидаги “Хўжа Учкун” ва “Жалоир” маҳаллаларида ташкил-лаштирилди. Унда маҳаллаларнинг мобил алоқа қамровини яхшилаш, сифатли интернет хизматларини жорий этиш, почта хизматлари, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, маҳалла аҳлини қийнаётган муаммоларни ҳал этиш ҳамда ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири борлигига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.



Аҳолидан асосан юқори тезликдаги интернет хизматларини жорий этиш, мобил алоқа хизматлар сифатини янада яхшилаш каби ўндан ортик мурожаатлар келиб тушди. Мурожаатлар бўйича керакли тушунтиришлар берилди ҳамда вақт талаб қиладиган мурожаатлар юзасидан Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган алоқа корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда мобил алоқа компанияларига тегишли топшириқлар берилди.

Сайёр қабулда аҳолига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш бўйича ташкил этилган Ишонч телефонлари “144” ва “199” қисқа рақамларига кечаю кундуз мурожаат этишлари мумкинлиги тўғрисида маълумот берилди.

Олимхўжа ҒАНИЕВ,
“Ўзкомназорат” Тошкент шаҳар
ҳудудий инспекцияси бошлиғи

“АКТ СОҲАСИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЁШЛАР!” ТАНЛОВИДА ҚАТНАШИНГ



30-IYUN

Yoshlar kuni

Сиз мамлакатимизда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшяпсизми? Бу жараёнга ёшларни қай даражада қўп жалб қилияпсиз? Ўзингизни Ўзбекистонни минтақавий IT -марказга айлан-тириш жараёнида иштирокчи сифатида қўришни истайсизми?

Демак, ушбу танлов айнан Сиз учун!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда 30 июн – Ёшлар куни муносабати билан IT соҳасига ёшларни кенгроқ жалб қилиш мақсадида қўйидаги йўналишларда танлов эълон қилади:

1. ITда фаолият юритувчи ёшларни кашф қилишга қаратилган мотивация берадиган энг яхши медиамаҳсулот (ижтимоий ролик, кўрсатув, мақола):

- Энг яхши ижтимоий ролик (1, 2);
- Энг яхши кўрсатув (1, 2);
- Энг яхши мақола (1, 2);

2. IT йўналишига ёш хотин-қизларни энг қўп жалб қилишга ҳисса қўшадиган, мотивация берадиган энг яхши медиамаҳсулот (ижтимоий ролик, кўрсатув, мақола):

- Энг яхши ижтимоий ролик (1, 2);
- Энг яхши кўрсатув (1, 2);
- Энг яхши мақола (1, 2);

Мазкур номинацияда оммавий ахборот воситалари вакиллари, мустақил журналистлар, блогерлар IT йўналишида фаолият юритувчи ёшларни кашф этиш мақсадида тайёрланган материаллари билан қатнашишлари мумкин.

3. IT йўналишига ёш хотин-қизларни энг қўп жалб қилган соҳа (1, 2, 3):

Ушбу номинацияда АКТ йўналишида

фаолият юритувчи ходимларнинг аксарияти ёш хотин-қизлардан иборат вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликлар иштирок этиши мумкин.

4. IT йўналишида энг қўп ёшларни ўқитган муассаса (1, 2, 3):

Мазкур номинацияда мустақил равишда ёшларни АКТ соҳасига ўқитиш билан шуғулланувчи ўқув марказлари қатнашишлари мумкин. Ушбу йўналишда олий таълим муассасалари иштирок эта олмайди.

Номинациялар бўйича материаллар танлов эълон қилинган кундан бошлаб 2022 йил 25 ноябргача камида 3та тайёрланган, ОАВ (телевидение, матбуот ва интернет нашрлари, ижтимоий тармоқлар)да эълон қилинган бўлиши шарт.

Материалларни топшириш муддати: 2022 йил 10 ноябрдан 25 ноябрга қадар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида қабул қилинади.

Ҳолиблар 2022 йил 8 декабр – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан ўтказиладиган тантанали тадбирда ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Қўшимча маълумотлар ва танловнинг бошқа шартлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг www.mits.uz расмий сайтида ҳамда Вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали эълон қилинади.

Маслаҳат



АВТОУЛОВ КОНДИЦИОНЕРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА 6 ҚОИДА

Ёзнинг жазирама кунларида автомобилда ҳаракатланишнинг ўзи бўлмайди. Агар автомобил кондиционерли бўлса, ундан фойдаланишнинг ҳам айрим тартиб-қоидалари бор, дея масалаҳат бермоқда Shokirjonov канали.

- 1. Кондиционерни ишга туширишдан аввал салони 3–5 дақиқа шамоллатинг.
- 2. Совуқ ҳаво оқимини ҳайдовчи ва унинг ёнидаги йўловчининг кўкрак қисмига йўналтирманг. Совуқ ҳаво пешойна (лобовой), ён ойналар ёки юқорига йўналган бўлиши керак.
- 3. Ташқаридаги ҳаво ва кондиционердан чиқётган ҳавонинг ҳарорати 7...10 даража фарқ қилиши керак.
- 4. Иссиқ ҳавода кондиционерни ишга туширгандан сўнг аввал мўътадил ҳароратга қўйиш керак, кейин секин-аста ҳарорат пасайтирилади.
- 5. Узоқ сафарга кондиционерли машинада йўлга чиққанингизда ҳар ярим соат-бир соатда автомобил салонини шамоллатиб туринг.
- 6. Кондиционер яхши ишлаши учун унинг фреони даражасини ўлчанг ва салондаги филтрини албатта алмаштиринг.

Саломатлик

ЖАЗИРАМАДА

СОВУҚ СУВДА ЧЎМИЛИШ – ҲАР КИМГА ҲАМ ЭМАС

Кардиолог Ярослав Ашихминнинг айтишича, жазирама иссиқда кўққисдан совуқ сувга тушишдан эҳтиёт бўлиш керак – ҳароратнинг кескин ўзгариши ҳатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

– Совуқ ёки муздек сувга тайёргарликсиз сакраш юракни тўхтатиб қўйиши мумкин. Махсус тайёргарликка эга бўлмаганлар, яъни тобланиб чиниқмаганлар учун бунинг оқибати ўлим билан тугаши мумкин”, – огоҳлантирди мутахассис.

Унинг айтишича, жазирма иссиқда алкоғол ичимликлар истеъмолидан ҳам тийилган маъқул, танадаги спирт организмни иссиқ ҳаво қаршисида ожиз қилиб қўяди.

Яна бир ёмон томони, офтоб ургани спиртли ичимлик оқибатидаги мастлик билан чалкаштириш мумкин. Одатда бунақа “дам олиш”дан сўнг тиббиёт ходимларини безовта қилишга тўғри келади...

Xabar

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

Bosh muharrir:

Abdug'ani ABDURAHMONOV

Tahrir Hay'ati:

Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egaloriga qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart.

Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori).
Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Obuna indeksi — 228.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Solijon ZOIROV.

ISSN 2010-6424



Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi

Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

Г-759 sonli buyurtma. Ofsset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 2991

ISSN 2010-6424

Bosishga topshirildi — 17 °°
Bosishga topshirish vaqti — 24 °°

Viloyat muxbirlari:

Andijonda (74) 226-47-80

Buxoroda (99)854-7305

Jizzaxda (94) 199-95-64

Namanganda (91) 353-71-25

Navoiyda (79) 225-91-10

Nukusda 554-35-45

Samarqandda (91)557-84-44

Termizda (99)508-30-52

Toshkentda 234-18-59

Urganchda (97) 211-65-05

Farg'onada (73) 244-18-05

Qarshida (93)931-08-99